

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

412 Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли қўчқорлар ҳамда эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2607*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги 250-сонли «Қоракўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда қоракўлчилик ширкат хўжаликларида чорва молларини бўрдоқига боқиш ишларини тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли қўчқорлар ҳамда эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2014 йил 25 июлдаги 7-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз
она моллар, насли кўчқорлар ҳамда эркак кўзиларни
(эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги 250-сонли «Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда эркак кўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида бўрдоқига боқиш қорақўл қўйлар бош сонлари кўпайишини таъминлаган ҳолда сифатли гўшт, қорақўл тери ва қорақўлча етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади.

2. Гўшт, қорақўл тери ва қорақўлча етиштириш учун бўрдоқига боқишга насл олиш учун яроқсиз она моллар ва қари наслдор кўчқорлар, насл олишга мўлжалланмаган 1 ёшдан ошган катта ёшли эркак ва ўстиришдаги ёш эркак кўзилар (эчкилар) ҳамда яроқсизга чиқарилган турли ёш-жинс гуруҳларига мансуб бошқа моллар ажратилади.

3. Наслдор кўчқорлар ва насл олишга яроқли она моллар қорақўлчилик ширкат хўжалигининг асосий подадаги ҳайвонлари бўлиб, улар бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»нинг (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) 4-бандига асосан, қорақўлчилик ширкат хўжалигининг асосий воситалари сифатида қайд қилинади.

4. Асосий пода таркибидаги наслдор кўчқорлар ва насл олишга яроқли она моллар ҳамда асосий пода таркибида бўлмаган, бироқ муайян ёшга етганда асосий пода таркибига ўтказилиб, насл сифатини яхшилаш ва насл олишда фойдаланиш мумкин бўлган ўстиришдаги наслдор кўчқорча ва ёш урғочи молларни бўрдоқига боқишга йўл қўйилмайди.

**2-боб. Асосий пода таркибидаги чорва молларини
бўрдоқига боқишга ўтказиш**

5. Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1401, 2004 йил 29 август) 8-бандига мувофиқ, чорва

молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қорақўлчилик ширкат хўжалиги раисининг буйруғи билан Чорва молларини асосий воситалар таркибидан чиқариш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

6. Комиссия таркибига қорақўлчилик ширкат хўжалиги раиси ёки унинг ўринбосари, тегишли мутахассислар (чорвашунос, ветеринар ва ҳ. к.), бош ҳисобчи (ҳисобчи), чорва молларини сақлаш вазифаси юклатилган шахслар ҳамда қорақўлчилик ширкат хўжалиги бошқарувининг таркибидан келиб чиққан ҳолда бошқа аъзолар киритилади.

7. Комиссия қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бошқа зарур ҳужжатлардан фойдаланиб, асосий пода таркибидан чиқариладиган чорва молларини бевосита кўрикдан ўтказди;

асосий пода таркибидан чиқариладиган чорва молларини бундан кейин асосий пода таркибига сақлаб туриш мумкин эмаслиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлайди;

чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш сабабларини (тўлиқ яроксизлигини ҳисоблаб ёзиш, ёшига кўра қариш, даволаб бўлмайдиган касаллик ёки даволаганда ҳам насл бериш қобилияти ва наслининг сифати талабга жавоб бермаслиги оқибатида фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши, жароҳатли шикастланишлар, нуқсонлар, физиологик қариш) аниқлайди;

тегишли ҳолларда асосий пода таркибидagi чорва молларини насл олиш учун фойдаланиш муддатидан олдин яроксизга чиқишида айбдор бўлган шахсларни аниқлайди, ушбу шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ёки улардан етказилган зарарни ундириб олиш бўйича таклифлар киритади;

асосий пода таркибидан чиқарилаётган чорва молларидан келгусида фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

8. Комиссиянинг чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш бўйича қарори мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

9. Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисидаги далолатномада асосий пода таркибидан чиқарилаётган чорва моллари тегишли оила (жамоа) пудратлари бўйича гуруҳланиб, ҳар бирининг инвентарь рақами кўрсатилади.

10. Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисидаги далолатнома уч нусхада тузилади ҳамда Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва қорақўлчилик ширкат хўжалиги раиси томонидан тасдиқланади.

Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси бош ҳисобчига (ҳисобчига), иккинчи нусхаси чорва молларини сақлаш вазифаси юклатилган шахсга, учинчи нусхаси маълумот учун ҳудудий қорақўл бирлашмасига тақдим этилади.

11. Худудий қоракўл бирлашмаси таркибидаги бирор-бир қоракўлчилик ширкат хўжалигида бир йилда бир неча маротаба чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш ҳолатлари қайд этилса ёки асосий пода таркибидаги чорва моллари улушининг камайиши натижасида маҳсулот етиштириш ҳажми кескин камайиб кетиши мумкинлиги аниқланса, бирлашма раиси мазкур ҳолат сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

3-боб. Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш

12. Асосий пода таркибида бўлмаган ва насл олишга мўлжалланмаган эркак моллар қоракўлчилик ширкат хўжалиги раисининг фармойишига асосан тўғридан-тўғри бўрдоқига боқишга ўтказилади.

13. Насл олишга мўлжалланмаган эркак молларни улар 1 ёшдан ошгандан кейингина бўрдоқига боқишга ўтказиш тавсия этилади.

14. Муайян ёшга етганда асосий пода таркибига ўтказилиб, насл сифатини яхшилаш ва насл олишда фойдаланиш мумкин бўлган ўстиришдаги наслдор кўчқорча ва ёш урғочи молларни асосий пода таркибига кўчирмасдан бўрдоқига боқишга ўтказиш учун мазкур Низомнинг 5-6-бандларида белгиланган тартибда Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш комиссияси ташкил этилади.

15. Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш комиссияси мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширади.

16. Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш комиссиясининг чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш бўйича қарори мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

4-боб. Чорва молларини бўрдоқига боқишни ташкил қилиш

17. Чорва молларини бўрдоқига боқиш қоракўлчилик ширкат хўжалигининг ўзида ёки шартнома асосида боқув турига мос муддатда семиртириб бериш учун марказлашган ҳолда бўрдоқига боқиш ташкил этилган бошқа ташкилотларда амалга оширилиши мумкин.

18. Марказлашган ҳолда бўрдоқига боқиш ташкил этилган бошқа ташкилотларга шартнома асосида семиртириб бериш учун топширилган чорва моллари қоракўлчилик ширкат хўжалигининг балансидан чиқарилмайди.

19. Чорва молларини қоракўлчилик ширкат хўжалигининг ўзида бўрдоқига боқиш уларни бўрдоқига боқиш даври бошланган сана бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда ташкил этилади.

20. Чорва молларини бўрдоқига боқишни ташкил этишда етиштирила-диган махсулот таннархи ва боқиш давомийлигини имкон қадар камайти-риш мақсадида бўрдоқига боқишнинг яйлов-молхона усулини қўллаш тав-сия этилади. Бунда чорва моллари бўрдоқига боқишнинг бошланғич даврида яйловларда, кучли озуқалар билан қўшимча равишда озиклантирилган ҳолда яйратиб боқилади, бўрдоқига боқишнинг сўнгги даврида эса, молхонада боқилади.

21. Иқтисодий самарадорлик пасайиб кетишининг олдини олиш мақса-дида ғўшт ва қоракўлча олиш учун бўрдоқига боқиладиган қари она моллар-ни бўрдоқига боқиш муддати 150 кундан ошмаслигини таъминлаган ҳолда озиклантириш рациона жорий этилиши лозим.

22. Ғўшт учун бўрдоқига боқиладиган турли ёш-жинс гуруҳларига ман-суб чорва молларини бўрдоқига боқиш даври қоракўлчилик ширкат хўжа-лигида мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда 75 кунгача белгила-ниши мақсадга мувофиқ.

23. Турли сабабларга кўра яроксизга чиқарилган наслдор қўчқор, қўчқор-ча ва барча яроксиз ёш ургочи молларни бўрдоқига боқиш уларнинг соғлиғи бўрдоқига боқишдан ижобий натижаларга эришишга имкон беришини ино-батга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

24. Бўрдоқига боқиш якунига кўра, чорва молларининг камида 90 фоизи юқори семизлик даражасига етганда, бўрдоқига боқиш ишларидан кутилган иқтисодий самарадорликка эришилган ҳисобланади.

5-боб. Бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг ҳисобини юритиш

25. Бўрдоқига боқилаётган чорва моллари қоракўлчилик ширкат хўжа-лигининг балансида боқувдаги ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинади. Боқув-даги ҳайвонларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бухгалтерия ҳисоби тўғри-сидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Бўрдоқига боқиш ишларининг боришини қайд этиш ҳамда якуний тахлилий ҳисоб учун бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг келиб ту-шиши, мавжудлиги ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш бўйича Бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари юрити-лиши зарур.

27. Бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари кирим ва чиқим қисмларидан иборат бўлиб, чорва молларини сақ-лаш вазифаси юклатилган шахс (ферма мудир, пудратчи ва ҳоказо) томо-нидан ҳайвонларнинг ёш-жинс гуруҳлари бўйича бир нусхада юритилади. Боқилаётган чорва молларининг ҳаракатидаги ўзгаришлар мазкур дафтарга бошланғич ҳужжатлар асосида, ўзгариш юз берган сана, чорва молларининг бош сони ва уларнинг тирик вазни кўрсатилган ҳолда қайд этилади.

28. Бўрдоқига боқилаётган чорва молларининг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтаридаги маълумотларга асосан, ҳар ойнинг охирида бўрдоқига боқила-

ётган ҳайвонлар ҳаракати ва озуқа сарфи ҳисоблаб чиқарилади. Озуқа сарфи чорва молларининг ҳар бир гуруҳида боқиш тури (гўшт ёки гўшт-қоракўлча) бўйича ҳар ой якуни ва бўрдоқига боқиш даври бошидан ўсиб бориш тартибида алоҳида ҳисоблаб борилади.

29. Бўрдоқига боқиш якунлангач, бўрдоқига боқилган чорва молларининг подадан чиқиб кетишидаги молиявий натижаларни аниқлаш мақсадида, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Бўрдоқига боқилган чорва молларининг подадан чиқиб кетишидаги молиявий натижалар ҳақида маълумотнома тузилади.

6-боб. Якуний ҳоид

30. Мазкур Низом Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси билан келишилган.

*Озиқ-овқат саноати
корхоналари уюшмаси раиси*

А. САЛИМОВ

2014 йил 25 июль

Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага
яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда
эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига
боқиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

412-модда

Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш тўғрисида
_____-сонли ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил «____» _____

(қорақўлчилик ширкат хўжалигининг номи)

Қорақўлчилик ширкат хўжалиги раисининг 20__йил «____» _____ даги _____-сонли буйруғи билан
ташқил этилган Чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш комиссияси томонидан
_____ бошчилигидаги оила (жамоа) пудратига бириктирилган асосий пода таркибидаги
(Ф.И.О.)

чорва моллари кўздан кечирилиб, қуйидаги чорва молларини асосий пода таркибидан чиқариш лозимлиги аниқланди:

Инвентарь рақами	Ёши	Жинси	Боқилганлик даражаси	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Жамғарилган эскириш суммаси	Тирик вазни, кг		Асосий пода таркибидан чиқариш сабаби ва кейинги фойдаланиш мақсади
						ҳисоб маълумотлари бўйича	амалда	
Жами								

Комиссия раиси:

(лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари:

(лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

(лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 144 —

32 (636)-сон

Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага
яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда
эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига
боқиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

32 (636)-сон

Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш тўғрисида
_____-сонли ДАЛОЛАТНОМА

20__йил «__»_____

(қорақўлчилик ширкат хўжалигининг номи)

Қорақўлчилик ширкат хўжалиги раисининг 20__йил «__» _____ даги ____-сонли буйруғига асосан
ташқил этилган Ўстиришдаги чорва молларини бўрдоқига боқишга ўтказиш комиссияси томонидан
_____ бошчилигидаги оила (жамоа) пудратига бириктирилган ўстиришдаги чорва
(Ф.И.О.)

моллари кўздан кечирилиб, қуйидаги чорва молларини асосий пода таркибига кўчирмасдан бўрдоқига боқишга ўтка-
зиш лозимлиги аниқланди:

Инвентарь рақами	Ёши	Жинси	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Тирик вазни, кг		Бўрдоқига боқишга ўтказиш сабаби
				ҳисоб маълумотлари бўйича	амалда	
Жами						

Комиссия раиси:

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари:

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

— 145 —

412-модда

Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага
яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда
эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига
боқиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

412-модда

Бўрдоқига боқилган чорва молларининг подадан чиқиб кетишидаги
молиявий натижалар ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА

Харажатлар				Кирим қилинадиган маҳсулотлар				
ишлар тури	қайд этиш учун асос бўлган ҳужжат рақами	харажатлар моддаси	сумма	қайд этиш учун асос бўлган ҳужжат рақами	маҳсулот номи	миқдори	нархи	сумма
Жами:				Жами:				

Қоракўлчилик ширкат
хўжалиги раиси:

_____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи (ҳисобчи):

_____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.)